

# Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тўғрисида

## ШАРТНОМА № 55664

Тошкент ш.

2022 йил “18 11

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган «МАНКАМ BUILDING» масъулияти чекланган жамиияти номидан Устав ва № 002174 -сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Махкамов Х.К., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргалиқда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 12-ноябрдаги 180147-танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи Юнусобод тумани "Боғибўстон" МФИ Машинасозлар кўчаси 1-сонли кўп қаватли уй (ётоқхона)ни мукаммал таъмирлаш обьекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- Смета;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирав ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар аникланса, келтирилган заرار бажарувчи томонидан қопланади.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ККС билан**) **26 000 000** (**Йигирма олти миллион**) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиха-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиха-смета хужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига З (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хукуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиха-смета хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиха-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қиласлик;

3.2.3. Тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичida Буюртмачига маълум қиласа, маълумотлар қабул қилинган деб хисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха смета хужжатлари ва бажарилган қидирив ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирив ишларини бажариши шарт.

#### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиха-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (үн) кун ичida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қиласлик рад жавобини юбормаса,

ишилар қабул қилинган хисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишиларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишиларни кўриб чиқиш муддатини 30 (үттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишиларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишиларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишиларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишиларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталрга лойиха-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равиша огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишиларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал хисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вактида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вактидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пења тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишиларни ўз вактида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишилар қийматининг 0,5 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пења тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгib бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чикувчи барча низолар,

келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## 8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топширикда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктириса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишида, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий ҳаракатларни содир қиласликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга приоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик ҳолда қонунга хилоф равишида пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга вайда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласидан шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазийк ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилмагандан, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса,

камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг кўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўtkazilganдан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMASINI XIZMATI INJINIRING  
КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили:  
РКИ ГУ ИБ г. Тошкента  
МФО 00014 ИНН 201175594  
100027, Тошкент ш., И. Каримов кўчаси,  
16а-уй. ОКОНХ 69000  
302021860262777011401259004  
УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА  
МИНФИНА РУз  
р/с 23 402 000 300 100 001 010  
ИНН 201122919

Директор в.б.

Р.У. Кучкаров



### БАЖАРУВЧИ

«МАНКАМ BUILDING» МЧЖ

Адрес и расчетный счет:

г. Ташкент, Юнусабадский район,  
ул. Мойкурган дом №53  
р/с: 20208000300718496001,  
М. Улугбекский ф-л. АКБ  
«Узпромстройбанк»  
МФО 00440, ИНН 304592883  
ОКЭД-71110



Директор

Махкамов Х.К





№	Оңсайтыр тауын да жиеген	Көрнеки жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	Оңсайтыр түркесин жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	01.07.22-8 жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	01.01.22-8, жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	01.01.22-8, жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	2022 Ыш уйғын жана тарбиялык		2022 Ыш уйғын жана тарбиялык		2022 Ыш уйғын жана тарбиялык	
							Жалғасу жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	Жалғасу жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	Жалғасу жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	Жалғасу жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	Жалғасу жынысын да фабрика шарын төмөнкүлүп бөлүн	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
26	Мирдо Улутбек гүлдеми "Зәңзәң" Мой! Форваран жаңыңында 6 жыл жиегендеги күрнегендеги түркесин үйнелти	2022ж.	облас				82 000,0		82 000,0	облас		
27	Мирдо Улутбек гүлдеми "Зәңзәң" Мой! Жынысында Коры Балынай, Іле Төсөттөй, Мұстанасов, Напархор, Жамал Омалыев, Никбеков Қызын, Никбеков Әнди, Никбеков Әнди 7- ғорын жиегендеги 14000 маңындағы талдарын шешті отбөл бөлімдерге жиегендеги 6-ғорын. Спорт жиегендеги на болонд жадындағы қынды	2022ж.	облас		73 000,0		73 000,0	облас				
28	Мирдо Улутбек гүлдеми "Зәңзәң" Мой! Жынысында жиегендеги 6 жыл жиегендеги күрнегендеги түркесин үйнелти	2022ж.	облас		44 500,0		44 500,0	облас				
29	Мирдо Улутбек гүлдеми "Зәңзәң" Мой! Жынысында жиегендеги 6 жыл жиегендеги күрнегендеги түркесин үйнелти	2022ж.	облас		118 000,0		118 000,0	облас				
30	Мирдо Улутбек гүлдеми "Зәңзәң" Мой! Жынысында жиегендеги 6 жыл жиегендеги күрнегендеги түркесин үйнелти	2022ж.	облас		57 500,0		57 500,0	облас				
31	Мирдо Улутбек гүлдеми "Зәңзәң" Мой! Форваран жаңыңында 2-ғорын жиегендеги күрнегендеги түркесин үйнелти	2022ж.	облас		11 000,0		11 000,0	облас				

**"Күнитек"**  
**Тәмкенгешар жөнөмдөлүк**  
**"Жыныс Үйнегендеги күрнегендеги түркесин" ИК**  
Атакент, 2022 ж.

**"Кепинилди"**  
Төсөттөй Қолданылған  
Молния мемлекеттік  
жыныс үйнегендеги  
башлығы

Л.И.Исматуллаев  
2022 ж.

